

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 267 (7. 356)



1990 йил 23 ноябрь, жума

Баҳоса 3 тўғри

ТЕНГЛИК АСОСИДА ИШЛАЙЛИК, АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Ўзбекистон ССЖ Президентининг журналистлар билан учрашуви

21 ноябрь кuni Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Қаримов жумҳурият ва Бутуниттифоқ оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашди. Учрашув Ўзбекистон раҳбариятининг бошқорув муносабатларига ўтиш даврида ту-



СУРАТДА: Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Қаримов саволларга жавоб қайтармоқда. Ф. ҚҮРБОНОВЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССЖ Президентининг журналистлар билан учрашуви 21 ноябрь кuni Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Қаримов жумҳурият ва Бутуниттифоқ оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашди. Учрашув Ўзбекистон раҳбариятининг бошқорув муносабатларига ўтиш даврида ту-

бағаллар янада қашшоқлашмасликлар керак». Бозор — бу бирдан-бир мақсад эмас, балки халқнинг фаровонлигини ошириш, ривожланиш истиқболларини очиб беришнинг ҳақиқатидир. Бу энг асосий мақсад бўлиб, Ўзбекистон ССЖ раҳбариятининг фаолияти шу мақсадга қаратилган.

Ўзбекистон мустақиллик қондаларига асосланиб, пахта толасига фақат ўзи учун мақбул бўлган давлат буюртмасини қабул қилади. Бу йилги ҳосилнинг катта қисми жумҳуриятда қолади. Ана шу қимматбаҳо хом ашёни Бутуниттифоқ бозорига ва хорижий бозорда қандай нархларда сотиш кераклигини фақат унинг ўзи ҳал қилади.

Ўзбекистон ССЖ Президентининг журналистлар билан учрашуви 21 ноябрь кuni Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Қаримов жумҳурият ва Бутуниттифоқ оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашди. Учрашув Ўзбекистон раҳбариятининг бошқорув муносабатларига ўтиш даврида ту-

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида АХБОРОТ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Бюроси жумҳурият Компартияси Марказий Қўмитаси пленумининг топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичи чақириладиган санани белгилади. У 1990 йилнинг 7 декабрида иш бошлайди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг 21 ноябрь кuni бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Бухоро ва Тошкент вилоятлари партия ташкилотларининг партия сафларини мустаҳкамлашга доир ишчи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида мазкур партия ташкилотларида КПСС сафларидан чиқиб кетган қўшниқлиги, партияга қабул қилиш кескин камайганлиги, айниқса ишчи партия орасида коммунистларнинг камийиши барқарор тузилганлиги, бошланғич партия ташкилотларининг таъбибуни ва фаолияти пасайиб кетганлиги муносабати билан келганлиги таъкидланди.

Марказий Қўмита Бюроси қабул қилган қарорда Бухоро вилоят партия қўмитасининг котиблари Д. С. Ёлғоров, Ю. М. Сақиев, Тошкент вилоят партия қўмитасининг котиблари С. М. Марсумов, В. Г. Гришук ва Тошкент шаҳар партия қўмитасининг котиблари А. И. Фойлбеков, Ю. А. Асепков ўртоқлардан партия сафларини мустаҳкамлаш ишларидаги камчиликларни бартараф этишни талаб қилди.

Партия қўмиталари ва бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир коммунистнинг қизғин фаолиятга жалб этиш юзасидан зарур ишчи олиб бормайтирлар. Ўз партия ташкилоти билан алоқани узеётганларга, партия аъзолари бадалларини тўламаётганларга нисбатан талабчанлиги пасайтириб юборилган.

Вилоят, шаҳар ва ноҳия партия қўмиталари, бошланғич партия ташкилотларига партия билетларини топшириш юзасидан рўй берган ҳар бир ҳодисани сиғичибла текшириш, бундай ноҳус ҳолатларни келтириб чиқариладиган сабабларни таҳлил қилиш, иккинчи бадаллар коммунистлар билан бўлиб ўтишларини олдини олиш оғоҳлангириш тадбирларини кучайтириш, уларнинг ҳар бири учун курашни вазиёфаси топширилди.

Марказий Қўмита Бюроси вилоят, шаҳар ва ноҳия партия қўмиталарига бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда партияга қабул қилиш ишларини яхшироқ тўғридаги аниқ-са ёшлар ва комсомоллар орасидан аъзоларни танлаб олиш юзасидан илгари ортирилган тажрибани йўқотганликларидан, КПСС Устави мазкур масалаларни узиб-кесиб ҳал қилиш юзасидан берган ҳуқуқдан тўла фойдаланишга тайёр эмасликларини аён бўлганлигидан тавшшиламайтирлар.

Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳаси муҳокамада

МАНФААТЛАРИМИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

«Бережка» ширкати бош муҳандиси: — Аввало жумҳурият партия ташкилотининг ўз Уставига эга бўлиши жуда қувонарли ҳол. Партиявий манфаатларимизни ҳимоя қилишга қаратилган бу ҳужжат лойиҳаси билан танишиб, айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Уставнинг 25-бандида «Навбатдаги район, шаҳар партия конференциялари тегишли район, шаҳар партия комитетлари томонидан 5 йилда бир марта чақирилади» дейилган. Менимча, бу мuddат кўп. Чунки район ва шаҳарларда ҳал этилиши зарур бўлган, бевосита партия ташкилотлари томонидан очилмаган муаммолар кўп. Шунинг учун 2,5 йилда бир марта чақириш лозим.

«Квант» ширкати ишчиси. — Уставнинг пул маблағлари ва мол-мулки ҳақидаги бўлимига эътиборни қирғинчилик таъминоти билан аъзоларни қўйиладиган бўлиши лозим. 150 сўмгача бўлган лойиҳадагилик қозониб, 151 сўмдан 300 сўмгача — 1 фоз, 301 сўмдан 500 сўмгача — 1,5 фоз, 500 сўмдан ошганда — 2 фоз бўлиши тарафдорим.

«Камалак» ширкати устаси. — Уставни диққат билан ўқиб чиқдим. Лойиҳага бироз эътирозларим бор. Кўп бандлар маъҳум ақунланган. Аниқ ва дунда ёзилгани керак, деб ўйлайман. Юқори партия ташкилотларига коммунист томонидан ёзилган «Шикоят аризаси тегишли органга тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой мuddатда кўриб чиқилади», дейилган. Бу мuddат кўп, шу жумлани «бир ой мuddатда кўриб чиқилади ва ариза партия аъзоси ҳисобда турган ташкилотга қайтарилмайди ёки жўнатилмайди» деб тўлдириб керак.

«Геокабель» илмий-ишлаб чиқариш ширкати ишчиси. — Мен шу йил Коммунист партия аъзоси бўлдим. Айни пайтда бирлашмамаида бу эътиқоддан кечиб, турли важларни баҳона қилиб партия аъзоларидан чиқиб кетаётганлар бор. Шу ўринда мен «Ўзбекистон Коммунист партияси аъзолари» деб номланган боёни 10-бандидаги иккинчи жумлани «Партияга кирувчи учун бошланғич партия ташкилоти бир йилгача синов мuddати, шунингдек партия аъзоларидан уч кишининг кафилигини белгилаб қўяди», деб ўзгартирилиши лозим деб ўйлайман. Чунки, «вақтинча» аъзолликка ўтадиганлар сафимида бўлмаслиги керак.

Жаҳон андозалари даражасида

Германиядаги «Шисс» фирмасида тайёрланган янги ускуна Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводи маҳсулотининг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради.

ТО БУГУНГИ КҮН НАФАСИ

- ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА
22 ноябрь кuni Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Қаримов меҳр-муруват эълон қилган Совет Иттифоқига келган Куддусга мустақил Ювон орденининг эвкиси Жан Пьер Терсуни қабул қилди.
22 ноябрь кuni Тошкентда Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти билан Украина Совет Социалистик Жумҳурияти ҳукуматлари ўртасида 1991 — 1995 йилларда иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.
М. С. Топшўлатовни Ўзбекистон ССЖ Энергетика ва электрлаштириш вазирини этиб тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон ССЖ Президенти Фермон қабул қилди.
МАМЛАКАТИМИЗДА
Кеч РСФСЖ Олий Кенгаши сессиясида 21 ноябрь кuni кечки мажлисида муҳокамаи бошланган жумҳурият деҳқончилик қонуни ақтларини муҳокама қилиш давом эттирилди. Ана шундай ҳужжатлардан бири деҳқон (фермер) ҳўмларини тўғрисидаги қонун лойиҳасидир.
Туркистон Президенти ва жумҳурият ҳукуматининг фермойиши билан қалъа-шаҳар Кушаннинг 100 йиллигини тантаъили равишда нишонлашга қарор қилинди.
22 ноябрь кuni Ереван метрополитенини ходимларининг иш ташливи бошланди. Иш ташливинлар уй-жой, шунингдек меҳнат шартнолари яхшилланиши талаб қилмоқдалар.
ХОРИЖДА
Буюк Британия бош вазирини Маргарет Тэтчер ҳўмрон консерватив партия етакчиси лавозимини учун ижтисомликка қарор қилди.
Саудия Арабистонига келган АКШ Президенти Буш Жинда шаҳрида Кувейт амирини ва Саудия Арабистонининг қироли билан учрашди.
БМТ Бош Котиби Перес де Куэльяр Нью-Йоркда Исроил президенти Герцог билан учрашди.
ЖАРДА шу йилнинг 10 ойи мобайнида сиёсий тўқнашулар чоғида 3. 038 киши ҳалок бўлди.

Бугунги кун нафаси

С. Рихсиев бригада бошлиғи Назим Беқиров билан бирга Х. Мирзақаримов сурати.



Тошкентдаги булка-қандолат комбинатининг макарон цехи ўлчовчиси Холда Мақдамова энг илгор ишчилардан бири саналади. Ишга ва ҳамкасбларига бўлган ҳурмати билан жамоада катта эътибор қозонган.
СУРАТДА: Холда Мақдамова, Т. Каримов сурати.

○ **Еш авлодга таълим ва тарбия бериш, малакали педагогик ходимларнинг еттиштиришдаги кўп йиллик самарали меҳнати ва катта хизматлари, мактаб ҳамда халқ таълимининг бошқа муассасаларида ўқув-тарбия жарафинин қайта кўришда фаол қатнашганлиги учун «Ўзбекистон ССЖ халқ ўқитувчиси» Фахрий унвонига сазовор бўлганлар орасида Тошкентдаги 148-мактаб директори Гўёс Алимович Афзалов ҳам бор эди. Шу муносабат билан биз яқинда у киши билан учрашиб сўхбатлашдик.**

— Гўёс Алимович, сизни аввало ана шу юксак мукофот билан чин дилдан табриқлаймиз.
— Раҳмат, Президентимизнинг бу Фармони биз ўқитувчиларга кўрсатилаётган гўлжурлик ва катта эътиборнинг намунаси. Бу мукофотни нафақат менга, балки ноҳиямиз маорифчилари меҳнатига, қолaversа мени тарбия қилган Куйбишев ноҳиясининг кекса муаллими — устозларим меҳнатига берилган юксак баҳо деб биламан ва ҳаммиса улар олдида тўғизимдаман.

— Гўёс ака билишимизча, сиз халқ сайлаган вакил — депутат ҳам экансиз...

— Ҳа, тўғри. Бу гўлгиси билан тўққизинчи марабта Куйбишев ноҳияси депутатлигига сайланишим. Бу ишончини оқлай олаётганим, йўқин билмадиким, ҳар қалай кичик йиллик педагогик фаолиятимни фақат шу ноҳияга, унинг маданият-маърифий жиҳатдан тарққибати бағишлаб келаяман. Депутат бўлиш осон, лекин бу ишончини чинакамга оқлай олиш, муҳими сенга ишонган халқнинг умид ва озуларининг рўбига чиқариш — анча мушкул иш. Бунинг айниқса қамини раислигида иш олиб борётган халқ депутатлари Куйбишев ноҳияси кенгашининг фан, халқ таълими, ёшлар иши, маданият, дин, тил масалалари доимий комиссияси фаолиятидан янада аққорроқ ҳис қилаяман. Ун беш кишидан иборат комиссиямиз аъзолари билан биргаликда йнгилишиб, энг аввало иш режаси туздик ва шунга асосан халқ таълими ва маориф соҳасида ёшлар тарбияси ҳамда дин ва тил масалаларининг ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этишга киришдик. Дастлабки амалга оширган ишимиз — мактаб ўқувчиларининг бепул конушта билан таъминлаш ҳақидаги Президентимиз Фармониға биноан бошқа ноҳия мактабларида 1 — 5-синф ўқувчилари бепул оқватлангилса, бизнинг ноҳияда 1-синфдан то 8-синфгача бўлган ўқувчилар бепул оқватланишди. Яна биз ноҳия кенгаши ташаббуси билан «Мадед» деб номланган жамғарма ташкил этганимиз. Бу жамғармага ота-

лиқ қорхоналаримиз пул ўтказишдаи ва бу маблаг бевосита мактаб ўқувчилари эҳтиёжи учун сўрланади. Ноҳиядаги кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Шунингдек, доимий комиссия таркибидаги депутатларимизнинг талаб ва тақлифлари асосида ноҳиядаги бир неча мактабларга қўшимча синф хоналари ва спорт иншоотлари қуриб берилди.
— Гўёс ака, амалга оширилган ишлар яхши албатта, лекин ноҳияда депутатлар ҳал қилиши зарур бўлган бошқа масалалар ҳам оз бўлмас керак. Эҳтимол, унинг ҳал этилишига халап берётган муаммолар ҳам бордир!

Депутатлар фаолияти

**У М Р
САБОҚЛАРИ**

— Ҳа, шубҳасиз. Ҳал қилиниши лозим бўлган ишларимиз, айниқса ёшлар тарбияси хусусидаги муаммолар беҳисоб. Гапининг очини, бизнинг ноҳияда ҳам болалар ва ўсмирлар орасидаги тартиб-бузарликлар ҳали бутунлай барҳам топгани йўқ. Бунга эса уларнинг дарсдан бўш вақтларида мутлақо бекор юриши, болаларнинг на мактаб орқали ва на турар жойлар орқали бирор машғулота жалб этилмаганилиги сабаб, деб ўйлайман. Шу ерда яна бир муаммо келиб чиқади. Яъни, мактаб жамоваси болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш максатида бирор тўғарак очмоқчи бўлса, унинг моддий тарафи муаммо бўлади. Бепул тўғаракка эса ҳеч ким раҳбарлик қилишни истамайди. Бу борада ноҳия халқ таълими бўлими ҳам ёрдам бера олмайтди.

— Мактаб директори сифатида бугунги кунда халқ таълимининг ривожига нима қилиш тўсиқ бўлапти деб ўйлайсиз!

— Ҳозирги қайта қуриш ва ошқоралик даврида барча жабҳалар сингари халқ таълими соҳасида ҳам муҳим бурлиш рўй бермоқда. Бугунги замонавий мактаб ўқитувчиси ўз устида мунтазам равишда ишлаши кун талаби бўлиб қолди. Негаки, бугунги мактаб ўқувчисининг талаби кеңаги ўқувчиникидан мутлақо ўзгача. Шунинг ҳисобга олган педагоглар ҳам ўз ишларини қайта ташкил этиб, имкони борича ўқув машғулотларида янги қўлланма ва дарсликлардан, кўргазмали қурол ва диофильмлардан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Бироқ, ўзбек тилига давлат мақоми берилганига бир йилдан ошса ҳам, ҳақиқатан ўзбек

тилидаги дарсликлар, кўргазмали қурол ва қўлланмалар йўқ деса бўлади. Бошланғич синф ўқувчилари учун кўргазмали қуроллар еттишмаслиги туғайли Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси яқинда барча мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида энг яхши кўргазмали қурол учун танлов эълон қилди. Бу танловда бир қанча ўқитувчилар қўлиб чиқди. Лекин, бу иш нима учундир тўхтаб қолди. Ахир қанонча бунга кимдир кўргазмали қурол асбоб беришни қўшимчиси керак, нахотки ўз имкониётларимиздан фойдалана билмасак!

Бундан ташқари, таълим-тарбия ишини ривож топтириш учун тўсиқ бўлаётган талайгина муаммолар ҳам борки, уларни ҳал этиш борасида жумҳуриятимиз халқ таълими вазирилик ташаббуси кўрсатиши лозим деб ўйлайман. Шундангина «Ҳамма нарса мактабдан бошланади», деган нақдга монанд иш қилиб, ўқув тарбия ишдаги мақсадимизга тўлиқ эришган бўламиз.

Мактабимизда рус ва ўзбек болалари бирга таълим олишди. 1 минг 500 ўқувчи мўлжалланган мактабда 1 минг 700 га яқин ўқувчи ўқийди. Баъзан ота-оналар мактабни иккига ажратилиши талаб қилишди. Лекин бунга имкониётимиз йўқ. Менимча, болаларни яқна ўқитгандан, аралаш ўқитиш маъқулроқ. Сабаби, бунда аввало ўқувчилар ўртасида байналмилал тарбия яхши олиб борилади. Биз имкони борича ўқувчилар ўртасида одоб-ахлоқ мазмунидаги сўхбатларни ва тарбиявий соатларни кўлайитириш ниятидамиз. Насиб бўлса келсин йилдан бошлаб мактабда одоб дарсини фан сифатида қўллаб ўша дарсда ўқувчиларга Ҳадис илмидан сабоқ бериш мақсадида дарс соатлари ташкил этишни мўлжаллаётимиз.

— Сўнги савол: 35 йиллик партия стажига эга коммунист сифатида партиянинг бугунги аҳволи ҳақидаги фикрингиз...

— Партия обрўси ҳақида сўрамоқчисиз, шекилли. Бу масалада менинг фикрим бита, яъни 1955 йил партия сафига аъзо бўлаётган вақтда у ҳақда қандай фикрда бўлсам, ҳамон ўша фикримга содиқман. Айтмоқчиманки, имон ва эътиқод мустаҳкам бўлса, партиямиз равишига ишонч ҳам ҳаммиса барқарор бўлади. Мен жуда кўп йиллар Куйбишев ноҳияси халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлаганим ва ўша вақтлардаёқ партия сафининг софлигига путур етватганини сезганман. Ҳозирда ҳам партиянинг обрўсига баъзи бир кимсалар путур етказишмоқда. Аммо биз каби кекса коммунистлар эътиқодини осонликча ўзгартириб бўлмайди. Мен партиямизнинг равишга топшишга ишонаман.

Сўхбатдош З. ДУСМУҲАМЕДОВА.

Ўқувчи—ҳамкасби ҳақида

Йигит кишига муносиб

Ўқувчилик машаққатли ва айна пайтда шарафли касб. Бошқа касблардан фарқи ўлароқ қурувчи қилиниш аввало кунларида ҳам, ёзининг жазираида оғрибди ҳам оғрибди ишлабди. Ёш қурувчи Эроқжон Нормуҳаммадов ана шу шарафли касб соҳиб. Унинг тарбияни бошлаганига ҳам энгизинга тўрт йил бўлган. Лекин қисса мундат училда сергайрат йигит тиришқонлиги, ўзига тоширилган вазифанинг масъулиятини чуқур ҳис қилиши, ҳалоллиги ва камтарлиги билан ҳамкасблари эътиборини қозонди, ҳурматга сазовор бўлди.

Ҳарбийда бурчини ўтаб қайтган Эроқжон дастлаб ишнинг 12-трестга қарашли 49-қурилиш бошқармасининг Тўлқин Самғов бошлиқ ёш ишчилар бригадасида шогирдликдан бошлади. Аҳил жамоа ўз касби сирларини ўзлаштириб олишда унга яқиндан ёрдам берди. Тез орада у шогирдликдан касб устаси бўлиб етишди. Юнусовод, Қизил Шарқ даҳаларида, Вектемир ноҳиясидаги кўплаб уй-жойлар, Октябрь ноҳиясидаги 400 ўринали туғруқхона биноси қурилишида самарали меҳнат қилди.

Бу йил ун Қоратощ даҳасида қад ростлаётган 12 қаватли тузар жой биноси қурилишида ишлаётган Александр Кеманев бошлиқ тикловчилар бригадасига ўтказилди. Кўп қаватли темир-бетон уйларда ҳам ишга турувчиларга иш топилади. Эроқжон бу ерда ўзи устоз бўлиб бошқаларга иш тажрибасини ўргата бошлади.

Уни иш устида учратиб, сўхбатга тортидик. У содда ва ниҳоятда камгал экан. «Ҳеч бўлмаса ўзингиз, ота-онангиз ҳақида гапириб беринг» деган саволимизга у:

— Узим асли Чироқчидамман. Қунидузи ишлаб, кечқурун дорифонунда таҳсил олаётиман. Дадам ҳайдовчи бўлган эканлар. Ойим ҳозир пенсиядалар. Укаларим бор, — деган жавобин берди.

— Кечқурун ўқисангиз, қурилишда ишлаш оғирлик қилмайдингиз?

— Оғирликча оғир. Лекин ҳаммасига ҳам қўниқиб қолар экан киши. Ҳозир оғирлиги унча билдмайди. Беъзи бир энгил-елпи ишларни ўзинга эп қўрмайман. Йигит киши ўзига муносиб ишни қилгани маъқул. Қурилиш майдончаларини айлансангиз менга ўхшаган ҳам ишлаб, ҳам кечқурун ўқийдиган йигитларни кўплаб учратасиз.

Эроқжонни ишдан қолдирилмаслик учун у билан хайрлашиб, қурилиш майдончасидан узоқлашдик. Бештиёр шу паллада хабаринга аёллар бажарилган ишлар билан машғул бўлган, сув йўқолири олдига таंगा майдалаб ўтирадиган тоғни урса талқон қилангидан йигитлар келди. Шунда негадир Эроқжоннинг оғриб қорайтирган юзидан оқётган терлар, ишт ўшайвериби қавариб кетган қўллари ана кўз олдинга келди. Ҳар қалай дундиё ўз ноинини ҳалол, пeshона териси билан топиб ейлган Эроқжондек йигитларимиз кўпчилидан хурсанд бўламиз. Бундайларни ҳаммиса меҳнат шарафлишига ишонаман.

М. ОТАХОНОВ.

Ечимини кутаётган муаммолар

Кўр-кўрона иш тутмайлик

билан шароит борми. Йўқини суриштирмай исталган қорхонада Давлат қабули жорий қилинаверди. Яроқсиз ускуналардан янги, энг сифатли маҳсулот кутилди. Бирорта қорхона бўлмасини, 100 фойз муқсонсиз бўлсин. Қатор қорхоналар катта-катта жаримлар остида қолиб, ишлар тўхтаиб қўйилди. Бундан фақат оддий ишчи зарар кўрди ҳолос.

Кўр-кўрона иш тутмайлик

Жумҳурият Нон маҳсулотлари вазирилик тақлифи билан учта комбинатда (Охангарон, Ҳоңқа, Ушқўрғон) нон комбинатларида) Давлат қабули жорий қилинди.

Бу қорхоналар маҳсулотлари (ун, гуруч, ем) авваллари ҳам нисбатан яхши эди. Назорат қулайча, янада яхшиланди. Лекин бошқа ўнлаб тегириқдорларнинг иш сифати ўша-ўша бўлгани учун жумҳуриятимиз аҳолиси нон заводаларининг ишида ўзгартиш сезмади.

Давлат қабули — бу вақтинча чора, қорхоналар ўртасида рақобат қучайиши билан бу усул ўз-ўзидан йўқолади, деган миш-мишлар тарқалди. Ваҳоланки, халқ ҳўжалигида ҳали рақобатнинг учини ҳам қўригани йўқ. Демак, бу тадбир ўз-ўзидан синов борми. Бу системани бекор қилиш энг аввало Россия қорхоналаридан бошланади. Бу Иттифоқ маҳсулот сифатини бошқариш ва стандартлар давлат қўмитасининг (Гостстандарт) ҳозирги раиси В. В. Сичевнинг ташаббуси билан бўлди. Унинг айтишича, Давлат қабули

«бу сифат милицияси... милиция чоралари билан эса сифатни кўтариш мумкин эмас». Ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқарувчида маҳсулот сифатидан манфаатдорлик бўлмас экан, назоратчиларни кўлайитириш билан фойдалан бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида маҳсулот сифатини истеъмолчи белгилайди, деган тушунича маҳсулот сифати тўғрисидаги давлат қонун-қондалари ва бошқа ҳужжатларида асосий ўрни аълаллаб бормоқда. Лекин маҳсулот сифатининг баъзи қўрсаткичлари ҳар қандай мўл-кўчилик шароитида ҳам давлат томонидан назорат қилиб борилади. Бу — ниссон саломатлиги, ҳавфсизлиги, табиий муҳит муҳофазаси ва ўзаро алмашиш каби қўрсаткичлардир.

Россия, Украина, Беларусия каби жумҳуриятлар ўз ҳудудларида Давлат қабули органларини йўқ қилдилар. Иттифоқ депутатлари Давлат қабулига 1991 йилдан маблағ ажратмасликни мўлжалламоқдалар. Бундай шароитда кўр-кўрона иш тутиш мумкин эмас. Ўзбекистон стандартлаштириш ва ўлчов асбоблари маркази шунинг назорат тутиб Давлат қабулидан берида нон нечмадилар. Балки баъзи қорхоналарнинг хоҳишларини инобатга олиб улар билан шартномалар тузишга киришилдилар. Бу шартномага асосан Давлат қабулининг бир қисми ходимлари бизнинг (ЎзСўМ) ширатиға қабул қилинадиган бўлидилар. Шу билан бирга улар қорхонанинг ЎзСўМга ўтказган маблагни ҳисобига ишлаб унга сифат бўйича тузилган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадилар.

Бир қатор қорхоналар, масалан, «Қизил тон» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Компрессор», Ўзбекистон металлургия заводи қабилар қорхонага бўйсунмайдиган назоратчиларнинг бўлишидан манфаатдорликларни билдирдилар. Бу эса Давлат қабули ушбу қорхоналар фаолиятида бир мунча афзалликларга эга эканлигини кўрсатади.

Г. ВОХИДОВА,
Х. ОНХЎҲАЕВ,
Ўзбекистон стандартлаштириш ва ўлчов маркази ходимлари.




ЯРИМ АСРДАН СЎНГ

○ Шу йилнинг октябр ойида икки Германиянинг бирлашши Швейцариянинг Тавил шаҳрида истиқомат қилувчи эр-хотин Люшерлар учун ўзига хос маънога эга бўлди. Альфред ва унинг ўғли Удош Маггаретининг фирмага қараганда, энгизини қарий ярим аср муқаддам Германия Демократик Жумҳуриятининг маъмуриери етказган зарарини қоплатишнинг нихоят талаб қилишлари мумкин. Гап шундаки, Люшерлар оиласининг ўз уйи бўлиб, бу й Берлиннинг шарқий қисмида ҳозирги телевизион мйнара қад кўтариб турган жойда эди.

Унлаб йиллар мобайнида Берлин маъмурилари билан зарарни қоплаш ҳақида олиб борилган ёзишмалар ҳеч қандай натижа бергани йўқ. «Эҳтимол янгиламан Германияда шахсий мулк эгасининг ҳуқуқларини ҳурмат қилишар!» — деб савол берилди эр-хотин Люшерлар шаҳар ҳокимлари билан ёзишмалар солинган семизгина папкани кўз-кўз қилишар экан.

СУРАТЛАРДА: эр-хотин Люшерлар; пастда — Люшерларнинг ҳозирги телевизион мйнара ўрнидаги уйи.

Кейстон — ТАСС суратлари.



КАЙСИ кунни ишга йўл олаётиб. Корсуза даҳасидаги 63-автобуснинг сўнги беке-тида кўндалди ёзувчи кўзим тушди: «Господин йўқотиб қўйдим. Уни топиб берган одам 50 сўм оладик, ана бири «Мухторони қидирялман. Мукофоти — 60 сўм». Хуллас, шунга ўхшаш ана бир неча кулани эълонларни ўқиб, негадир энсам қотди. Нега дейсизми? Келинг, бир чеккадан эшитинг, бўлмаса.

Тўғриси, мени кейинги вақтда ҳамшарқларимиз орасида ит боқувчилар ҳаддан ташқари кўпайиб кетаётганини негадир ўйлангилар. Тўғри, аъёлдан итнинг ишонининг дўсти, қолaversа, унинг қўриқчиси, деб таъриф бериб келинган. Зеро, уни бекорга хонадонда ушламайдилар.

Куйбишев ноҳиясидаги 209-мактабнинг ёш спорт майдончаси ўқув машғулотлари туғайли биланок, ўзига қос итлар сыйлиғидага айланиб қолганига нима дейсиз? Агар сиз кўпчакларнинг бирор бир насли билан қизиқсангиз, шу ерга келинг! Бемисоли, кўчкучлар кўргазмасини эслатади.

Ҳар ким ўз итини отақлаб, ун намойиш қилишга олиб чиққанлигининг гувоҳи бўлади. Кимдир қўлидаги эсхўрали таққачани иргитиб, итин уни топиб келишга ундайди. Яна бошқиси ўз орқасидан кўпканни эргаштириб, из қилиши кўргазмида.

Мушоҳада учун мавзу

ЭНСА ҚОТИРГАН ЭЪЛОН

диришга ўргатмоқда. Хуллас, ана шу ҳол ярим туғнага давом этади. Ҳатто эрталаб ҳам бу антиқа сайрини кузатиш мумкин. Нега бу фикрларни баён қилаяпти, деган хабрга боришингиз мумкин. Чунки эр-хотин бу майдонга жисмоний қиличини билан шугулланганига келган болалар ит ахлатининг устидан қиқиради. Шу ҳолда улар соғломлик маъқулларини бекорлашди. Каттиққўл ўқитувчилари талаби билан турли хил синовларни бажаришиб, имтиҳон топиришди. Ваҳ-

ланки, ҳеч ким бу ҳолга чек қўйишни ўйламайди. На мактаб маъмурияти, на шу ердаги тузар жой идораси мутаассадилари.

Яқинда бир ҳамкасбимизнинг уйига меҳмонга бордик. Ростини шу ўтиришга қадам бизнинг кўнглимиз айнади, еганимиз инимизга тетимади. Бундан бир неча кун муқаддам ҳамкасбларимдан бири Тошкентда ҳисобда қанча ит турганлиги билан қизиқиб қолганининг гувоҳи бўлган. Тўғри, уй ҳайвонлари аниқ айтиб бера олмас керак. Энди уларни боқиб масаласига келсак. Уша тадқиқотчининг суриштиришича, ҳар кун ҳар бир ит келимда ярим килограммгача гўшт ер экан. Нахотки, дерсиз? Бу бор

нинг озиқ-оқаати рўзгордан ортан ювчинди, чиқиндилардан иборат бўлган, холос. Уларга қолган оқаётлар берилган. Ҳозир биз нима қилаямиз? Бунинг аниқ айтиш қийин. Ораминда ўзи емай, итига едиредиганлар ҳам топилиб туради. Ҳатто, шундай гап юрадими, севимли итига тилла тили кўйдирганлар ҳам бор эмиш! Е тавба!

Хуллас, гапининг пўст қалласини айтандан бўлсак, ҳам маси меърида бўлгани яқин. Уй ҳайвонларининг ўрни ва унга қаровини ҳаддан ошириб юбормайлик. Керек бўлса уларнинг тўла ва аниқ ҳисоб-китоби олинсин. Яна бир гап: агар ит боқилса, тегишли нафақа тўлашни ҳам йўлга қўймоқ вақти аллақачон келди. Тўғри, бу фикр кўп вақт мунозарига сабаб бўлган эди. Аммо ҳаёт ўзгармоқда. Бугунги ташвиш ўта ақл билан иш тутишини тақозо этиб, бекордан-бекорга исрофгарчиликка йўл қўйишга йў бермайди.

И. УСМОНОВ.

«Прометей» Ешлар бирлашмаси 23 НОЯБРДАН 25 НОЯБРГАЧА МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

«ЙИЛ ҚЎШИҒИ»

КОНЦЕРТЛАР ТУРКУМИНИНГ БИРИНЧИ ЧИҚИШЛАРИ ҲАҚИДА

ҚАТНАШАДИЛАР:

«Юрмала-89» тавлови ғолиби, Сочда бўлиб ўтган «Қирил чиннигул» анжумани совриндори ЕВГЕНИЙ ПЕТРОВ.

Мухожирлик ва диссидентлик қўшиқлари ижрочиси ВИКТОР ЧУПРЕТОВ.

«Анка-пулемётчи» ва бошқа қўшиқлар ижрочиси НАТАЛЬЯ СТУПИЦКИНА.

«КАРМЕН», «БИМ-БОМ», ЯХУДИЯЛАРИНИНГ «ШАВЭС» ГУРУҲЛАРИ.

Дастурни «Қўшиқ-90» телевизион танловининг доимий бошловчиси, театр ва киноартисти ЕВГЕНИЙ МЕНЬШОВ.

Дастур директори — ЕЛЕНА ЯКОВСОН.

Вилетлар Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида ва ваколатли шахслар томонидан сотилади. Кассалар соат 11 дан 19 гача ишлайди.

Концертлар соат 16 ва 19.00 да бошланади. Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

Маълумотлар олиш учун 46-03-12, 46-70-31 телефонларига қўнғироқ қилинсин.

«ЎЗБЕК КОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА

7 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30 ДА

8, 9 ДЕКАБРЬ СОАТ 18 ВА 19.30 ДА

«ДУСТЛИК ТАРОНАЛАРИ»

«Низинчи — 90» КРИГИНИНГ ҒОЛИБИ, ЛЕНИНВОДЛИК КУЛГИ УСТАСИ

ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОВ

ТОЖИКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ ҚЎРСАТГАН АРТИСТ

ҚОДИРЖОН МИРАШУРОВ

(7—8 декабрда)

ХУШОВОЗ ХОНАНДА

АБРУРАФ ОЛИМОВ

(9 декабрда)

ИЖРОСИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-74-30, 45-92-13.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА

25, 26, 27, 28 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕИ «ЕШЛАР УЙИ»

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОСИ ҚЎМИТАСИ

«ПУШЕН» овоз ёнши студияси ҳамкорлигида

АНЪАНАВИЙ

«КАМОЛОТ—90»

ЖУМҲУРИЯТ КУРИК-ТАНЛОВИНИ ҲАҚИДАДИЛАР ЯНГИ ОВОЗ ВА ЯНГИ ИҚТИДОР СОҲИБЛАРИНИНГ ЯНГИ ЯНГИ ҚЎШИҚЛАРИНИ БИРИНЧИ БЎЛИБ СИЗ ШУ ЕРДА ТИНГЛАЙСИЗ.

Сиз ўзингизга янги санъат юлдузини кашф этиб, ўз севилингизга биринчи бўлиб янги қўшиқ ҳада этасиз.

Ва няхот 10 ва 11 декабрь кунлари соат 16 ва 19.30 да сиз «КАМОЛОТ-90» курик-тавлони ғолибларининг ҳисобот томошаларида иштирок этиб, санъат соҳибларининг ижодлари билан чуқурроқ танишиш имкониятига эга бўласиз.

Қўпчилик бўлиб келиш учун ВУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат қилиш учун телефонлар: 45-93-63, 41-45-20. Чипталар соат 11 дан бошлаб сотилади.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

Удуг шовир ва мутафаккир Алишер Навоий тугилган кунининг 550 йиллигига бағишланади

25 НОЯБРЬ, 4, 5 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ПРЕМЬЕРА

М. Бурхонов.

«АЛИШЕР НАВОИЙ»

(3 парда, 6 кўринишли опера)

И. СУЛТОН ва УИҒУННИНГ «АЛИШЕР НАВОИЙ» пьесаси асосида М. БУРХОНОВ либреттоси.

МУСИКА РАҲБАРИ ВА ДИРИЖЕР — Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон Мухтор жумҳуриятида хизмат қўрсатган санъат арбоби Г. ТУЛАЙНОВ.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат қўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти совриндори В. ПУЛДОШЕВ.

РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат қўрсатган санъат арбоби О. УЗОҚОВ.

РАССОМ — Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон Мухтор жумҳуриятида хизмат қўрсатган санъат арбоби Т. ШОРАҚИМОВ.

Хормейстерлар — Л. ШИЛЬКРУТ, М. ЯНДРИНСКАЯ. БАЛЕТМЕЙСТЕР — ССЖИ халқ артисти, ССЖИ Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти лауреати Г. ИЗМАЙЛОВА.

БАЛЕТ КОСТЮМЛАРИ РАССОМИ — Ўзбекистон ССЖда хизмат қўрсатган маданият ходими ССЖИ Давлат мукофоти совриндори З. КУРИШ.

КОНЦЕРТМЕЙСТЕРЛАР — Ўзбекистон ССЖда хизмат қўрсатган артист С. ПАРҚОВА, Н. ВОЛОХ.

Режиссёр ердмчиси — Х. ХУҲАЕВ.

РОЛЛАРНИ ИЖРО ЭТУВЧИЛАР:

НАВОИЙ — Ўзбекистон ССЖда хизмат қўрсатган артист Т. ХУСАНОВ, Ш. ҒАФУРОВ.

ГУЛИ — Жумҳурият вокаллар тавлови совриндори Ш. ТУХТАБЕКОВА, Ю. АБДУЛЛАЕВА, М. МАМАТОВА.

ХУСАИН БОЙҚОРА — Ўзбекистон ССЖда хизмат қўрсатган артист А. ВОЗОРОВ, Ш. ЗИЯМУҲАМЕДОВ.

МАЖИДИДДИН — М. МЕЛИЕВ, Р. ДАДАБОВЕВ.

Чипталар сотилмоқда.

«ТОШКЕНТ САЕХАТ» ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ СИЗНИНГ САЕХАТ ИҶНАЛИШЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИШДА ЕРДАМ БЕРАДИ



ЗИЕРАТ ҚИЛГАН ШАҲАРЛАРИНГИЗ РҲИХАТИНИ ТУЛДИРИШ УЧУН БУТУН ОТПУСКАНГИЗИНИ САРФЛАШ ШАРТ ЭМАС. АТИГИ 3 ЕКИ 5 КУНГА ҚИСҚА МУДДАТЛИ САЕХАТ ҚИЛИБ, КУПГИНА ЯНГИ ВА ҚИЗИҚАРЛИ ҲАДАЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРСАНГИЗ БУЛАДИ.

НОЯБРЬ ОИДА ҚУИДАГИ ШАҲАРЛАРГА САҒАР ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН: КИЕВ — 26 ноябрдан 30 ноябргача, КАУНАСГА — 26 ноябрдан 30 ноябргача, ПУШЧА-ВОДИЦАГА (Київ) — 23 ноябрдан 27 ноябргача, СЕВАСТОПОЛГА — 26 ноябрдан 30 ноябргача, МОСКВАГА — 24 ноябрдан 26 ноябргача, ОЛМАОТАГА — 24 ноябрдан 26 ноябргача, ЛЬВОВГА — 26 ноябрдан 30 ноябргача, БЕРДИЧЕВАГА (Київ) — 25—29 ноябрь, 30 ноябрь — 4 декабрь кунларига, КАЛИНИНГРАДГА (Москва) — 23 ноябрдан 27 ноябргача, ЛИДАГА (Минск, Вильнюс, Гродно) — 25 ноябрдан 29 ноябргача, ЕВПАТОРИЙГА (даволавиш билан) — 27 ноябрдан 11 декабргача.

ДЕКАБРЬ ОИДА ҚУИДАГИ ШАҲАРЛАРГА САҒАРЛАРНИ ТАҚЛИ ҚИЛАМИЗ: ГРОДНОГА — 3—7 декабрь кунларига, ИВАНО-ФРАНКОВСКА — 3—7 декабрь кунларига, РИГАГА — 3—7 декабрь кунларига, ЛЬВОВГА — 24—28 декабрь кунларига, МИТИШЧИГА (Москва) — 29 декабрь — 2 январга, РИГАГА — 5—9, 19—23 декабрь кунларига, ЛЕНИНГРАДГА — 9—14 декабрь кунларига, МОЛОДЕЧНОГА (Минск) — 3—7 декабрь кунларига, КАЛИНИНГРАДГА (Москва) — 14—18 декабрь кунларига, КАЛИНИНГРАДГА (Болтиқбўйи) — 21—25 декабрда.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг

Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги

М. Қориеқубов номида Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА

5, 6 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ АРТИСТИ

Камолиддин РАҲИМОВ

КОНЦЕРТИ

Программани ҲАҚИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА

25 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ДА

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

СИНЬЗЯНЬ УИГУР АВТОНОМ НОҲИЯСИНИНГ

АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ

ҳафта хонанда

ПОШША ЭШОН

иштирокида

КОНЦЕРТ

Патталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилади.

СССР Алоқа вазирлиги

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

институтга кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган

КЕЧКИ ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машгулотлар ўзбек ва рус тилларида ҳафтасига 3 марта соат 19 дан бошлаб ўтказилади.

МАШГУЛОТЛАР — 1 ДЕКАБРДА БОШЛАНАДИ.

УҚИШ МУДДАТИ — 7 ОЙ.

БУТУН УҚИШ ДАВРИ УЧУН — 75 СЎМ ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур: 3x4 см. катталикдаги 2 та фотосурат, иш ёни ўқини ҳолида маълумотнома, СССР Қуролли Қучлари сафларидан захиратга бўшатирилганлар — ҳарбий билетларини шахсан кўрсатадилар.

Қуйидаги манзилага мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй.

ТБИЛИСИГА — («Интурист» меҳмонхонаси) — 10—14 декабрда,

КИШИНЕВГА — 23—27 декабрь кунларига,

ЛЕНИНГРАДГА — 16—21 декабрь кунларига,

КЛАЙПЕДАГА — 1—5 декабрда,

РОСТОВГА (Ярославль вилояти) — 3—7 декабрда,

МИНСККА — 17—21 декабрда,

ВИЛЬНЮСГА — 3—7 ва 10—14 декабрда,

ЕРЕВАНГА — 7—11 декабрда,

МИНСККА — 10—14 декабрда,

ЯЛТАГА — 13—17 декабрда,

КИЕВГА — 3—7 ва 11—15 декабрда,

ВОЛГОГРАДГА — 21—23 декабрда,

ЮРМАЛАГА — 17—21 декабрда,

СЕВАСТОПОЛГА — 3—7 декабрда,

КАУНАСГА — 3—7 ва 10—14 декабрда,

ПУШЧА-ВОДИЦАГА — 16—20 декабрда,

ОЛМАОТАГА — 7—9, 18—20 декабрда,

МОСКВАГА («Измайлово») — 3—7, 16 — 20, 19—23 декабрда,

ЛИДАГА — 10—14 декабрда,

КИЕВГА — 17—21 ва 24—26 декабрда,

БАЙРАМОНА МОСКВАГА — 31 декабрь — 3 январга.

10, 15 ВА 20 КУНЛИК ИҶНАЛИШЛАР МОСКВАГА («Измайлово») — 12—21 декабрда

«ДАГОМИС» КОМПЛЕКСИГА — 26 ноябрь — 4 декабрь, 2—12 декабрь, 6—16, 16—26, 19—29 декабрь кунларига,

НАРВА—ЛЕНИНГРАДГА — 5—13 декабрда,

КИЕВГА — 22—31 декабрда,

ЯЛТАГА — 1—21 декабрда,

КИСЕЛОВОДСКА — 1—20 декабрда,

АЛУШТАГА — 17—27 декабрда,

РИГА—КАУНАСГА — 15—24 декабрда,

ЛЬВОВ—ДРАГОБИЧГА — 1—21 декабрда,

ЛЕНИНГРАДГА («Знаменка» пансионати) — 14—23 декабрда,

РИГА—КАУНАСГА — 10—19 декабрда,

ОДЕССАГА — 1—15 ва 16—30 декабрда,

ЕВПАТОРИЙГА (даволавиш билан) — 8—28 декабрда.

Маълумотлар олиш учун телефон: 44-11-97.

«ТОШКЕНТ САЕХАТ» ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси

Ўқувчилар диққатига: В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ математика ҳамда амалий математика ва механика факультетлари қошида 9-11 СИНФ Ўқувчилари учун ЯҚШАНБАЛИК МАТЕМАТИКА ТУГАРАГИ УЗ ИШЛИК БОШЛАЙДИ.

Машгулотлар яқшаб кунлари соат 10.00 дан бошлаб университетнинг математика факультетига олиб борилади. Биринчи машгулот 25 ноябрда 1-303 аудиторияда ўтказилади.

ТУГАРАККА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ССЖИ Ташқи иқтисодий Алоқа вазирлигига қарашли БУТУНИТТИФОҚ ТАШҚИ САВДО АКАДЕМИЯСИ БУТУНИТТИФОҚ ИҚТИСОДИЙ ЖАМИЯТИ ЖУМҲУРИЯТ ИДОРАСИ ТОШКЕНТ САВЕР-БИЗНЕС МАКТАБИДА пуллик ўқини учун ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқини 120 соатлик дастур бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ССЖИ Ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий қарашли Бутуниттифоқ Ташқи савдо Академиясининг профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

УҚИШДА ҚУИДАГИ МАСАЛАЛАР УРГАНИЛАДИ: ҳозирги шароитда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг тушулуши; ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий бошқариб бориш; ташқи иқтисодий муомалаларни ташкил этиш ва уларнинг техникаси; халқаро ҳисоб-китоблар ва ташқи савдонинг маблаг билан таъминлаш; ташқи иқтисодий ташкилотларнинг ҳуқуқий фаолиятини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш; акционерлик жамияти, маркетинг, транспорт билан таъминлаш; ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг иқтисодий-психологик жиҳатлари; дипломатик қайдинома, мулозимат ва муомала, бозор иқтисодиети, ишара ва ҳужжали ҳисоби.

Мақтабни тамомлаган тингловчиларга белгиланган нусхада гувоҳнома ва бизнес-мактабга доир материаллар берилади.

Манзилмиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 48-уй. Тошкент техника уйи, 2-қават, 26-хона. Телефон: 33-73-54.

СССР ДАВЛАТ ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА АХБОРОТ КОМИТЕТИ БУТУНИТТИФОҚ ТАРМОҚЛАРО ИЛМИЙ-Ўқув МАРКАЗИНИНГ УРТА ОСИЕ ФИЛИАЛИ

Сизнинг талабларингизга мувофиқ 16 разрядли шахсий электрон ҳисоблаш машиналари учун боғлаш, жорий этиш, ходимлари ўқитиш, қуйидаги автоматлаштирилган ишчи ўрниларининг дастурий таъминотини кузатиб бориш учун

Шартномалар тузади: — «Иш ҳақини ҳисоблаш»; — «Моддий бойликлар ҳаракатини ҳисобга олиш»; — «Асосий фондлар ҳаракатини ҳисобга олиш»; — «Раҳбарнинг иш ўрни»; — «Мутхассисларни бошқариш»; Шунингдек, фармакология, тиббиёт статистикаси ва диагностика бўйича дастуруларнинг пакетлари.

Дастурий воситаларни Сиз учун қулай пайтда қуйидаги манзилда намуний қилишни мумкин. Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 4-уй. Маълумотлар олиш учун телефон: 32-37-89.

Вутуниттифоқ тармоқларо илмий-ўқув марказининг Урта Осие филиали шунингдек, буюртма бўйича фаолиятини турли соҳалардаги дастур комплекслари ва автоматлаштирилган ишчи ўрниларининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишларни ҳам баъжаради.

МАЪРУЗАЧИЛАР УИИДА

(Марказ-14 мавзеси, А. Қодирий кўчаси, 13-уй, 83-хона)

кеңг ихтисосли (рекламалар, буклетлар, афишалар, фирма нишонлари, кўрғазмалар, альбомлар, интервьюларни бешаш) бешатувчи-рассомлар тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК ТЕЗКОР КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАШГУЛОТЛАРНИ ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ОЛИВ БОРИШАДИ.

Ўқини няхотда гувоҳнома берилади.

ДАСТАВБИ ИЙГИЛИШ — 3 ДЕКАБРЬ СОАТ 18.00 ДА ҲАҚИЗИЛАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-55-31, 44-55-32.

«СТРОИМЕХАНИЗАЦИЯ» БОШ БОШҚАРМАСИ

Минорали кран машинистларини тайёрлайдиган 5 ойлик кундузги курсларга Совет Армиясида хизматини ўтаб келган ва Ўзбекистон жумҳуриятида яшайдиган йигитларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқини мобайнида ҳар ойда 102 сўмдан стипендия берилади.

Бошқарма ёлғизларни ётоқхона, прописка билан таъминлайди.

Манзилмиз: академик Х. Сулаймонова кўчаси, 49-уй. (1, 8, 10-троллейбусларнинг «Округ офицерлар уйи» бекети). Телефон: 33-08-54, кадрлар бўлими.

Бирова қара бергансиз-у бироқ у Сизга пулни бир ойдан кейин қайтариб беради. Лекин бутуннинг ўзидек Сизга маблаг керак бўлиб қолди.

БУ МУАММОНИ СИЗ УЧУН ВИЗ ҲАЛ ҚИЛИВ БЕРАМИЗ.

ЎЗАБАНАБАНКНИНГ МАСЛАҲАТ ФИРМАСИ Сизга факторнинг муомалаларини таъмин этади, бунинг натижасида Сиз ҳеч қачон иш маблагларга муҳтож бўлмайсиз. Агар шеркларнинг соф илқидон бўлмаса, бу ҳолда ҳам биз Сизга ёрдам берайиз.

БИЗНИНГ ЕРДАМИМИЗ БИЛАН СИЗ БЕМАЛО МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗО НАСИЗ.

Манзилмиз: 700015, Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 73 «б»-уй. Телефон: 54-79-54.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ҚАЙТА ҲАҚИЗИШ ВА КАСБГА ҲУНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ МУСИҚАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИГА

Маълумотлар олиш учун телефон 77-86-11.